

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРАТ МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
МУХАНДИСЛИК ҚУРИЛИШ ИНФРАСТРУКТУРАСИ
ФАКУЛЬТЕТИ**

ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИ КАФЕДРАСИ

“АРХИТЕКТУРА ВА ШАҲАРСОЗЛИК АСОСЛАРИ” ФАНИДА

Мустақил иш

Мавзу: Византия Архитектураси

Гуруҳ: 7-09 ШҚХ

Бажарди: Абдусаматов А.А, Зухреддинов С

Текширди: Усмонов Қ, Кадабаева Ш

Тошкент 2011

Византия, Киев давлати ва Россия князликлари

Византия (IV-XV а.) шаҳарсозлиги Қадимги Рим шаҳарсозлигини давом этдирди ва бошқа мамлакатлар, айниқса Киев давлати ва Россия князликлари шаҳарсозлигида ўзига хос, чуқур из қолдирди.

Византия V асрда икки: Иллирик (Болқон яримороли) ва Шарқ қисмларидан иборат бўлган. Мамлакатнинг дастлабки даврларида антик даврдан мерос бўлган 1000 га яқин шаҳарлар сақланиб қолган эди. Уларда аксари ўн минглаб аҳоли яшаган. Давлатнинг гуллаб-яшнаган, илк босқичида, айниқса Юстиниан даврида қўрғон меъмориликка катта эътибор берилган. Бу императорнинг фармонида кўра ҳар манзилгоҳ ўз қўрғони билан ёки олдидаги бирор соқчи манзилгоҳ билан муҳофазаланган бўлиши лозим эди.

Мил. ав. 660-йилда юнонлар Босфоранинг Мармара денгизига чиқиш жойида Византий шаҳрини барпо этган эдилар. Давлатнинг номи бу шаҳар 109 номидан келиб чиққан. Рим империясининг сўнгги давларида (324- йилда) “Янги Рим” барпо этилди. Кейинчалик бу пойтахтнинг асосчиси бўлган император исмини олиб “Константинопол” дейила бошланди. Шаҳар Римга ўхшаб етти тепаликда жойлашган. Майдони жиҳатидан Римдан анча катта.

Константинопол ҳудуди Феодосий II (V аср 1-ярми) давридан ғарбда қараб кенгая борди. V аср 2-ярмида бутун шаҳар девор билан қуршаб олинди. Қўрғон деворда жами 400 бурж бўлган. Олтин дарвозадан бошланадиган ўзининг (Ўрта кўча)да бир қанча форум бўлган. Меса кўчаси Амастрид форумида шаҳарнинг шимолий, Андрианопол дарвозасидан бошланадиган иккинчи муҳим кўча билан



учрашган. Энг катта форум Феодосий форуми бўлиб, унинг марказида Қадимги Мисрнинг Гелиопол шаҳридан олиб келинган обелиск ўрнатилган. Асосий форум Августеон форуми эди. Унда Миллий (устун) ўрнатилган эди. Қадимги Римда масофалар ушбу Миллийдан ҳисобланган.

Августеонга Катта император саройи ва Авлие София ибодатхонаси туташ бўлган. X-XI асрларда Константинопол ўрта асрларга хос бўлган кўп марказли тизимга эга бўла бошлади. Шаҳар ичида турли мамлакатлардан келган аҳоли мавзелари пайдо бўлди. Масалан, Пера ва Ғалата. Константинопол ҳудуди 14 туманга бўлинган эди. Туманлар регионархлар томонидан бошқарилган.

Туманлар ўз навбатида жами 322 гетарий (квартал)га бўлинган эди. Константинопол билан бирга бир қанча бошқа шаҳарлар ҳам ривож топди. Улар қаторида Суриядаги Оронт дарё ёқасидаги Антиохия шаҳри ҳам бор. Бу шаҳардан Эрон, Ҳиндистон ва Хитойга бориладиган йўл ўтган эди.

VII-VIII асрларда Византия кучсизланган даврда шаҳарлар аҳолиси нуфузи кескин камайди. Баъзи шаҳарларнинг аҳолиси тарқаб кетди ёки Эфес ва Коринф шаҳарлари аҳолисига ўхшаб ҳавфсизроқ, бошқа жойга кўчиб кетди. Шаҳарларда ташқи кўрғонлардан деворларидан бўлак, алоҳида “кастрон” (қалъа)лар барпо этилди. Айтилишича, бу даврда шаҳарларда деҳқонлар нуфузи ошди, қишлоқлар кўпайди. Византия шаҳарсозлиги бу ҳудуддаги кейинги давр шаҳарларига биринчи навбатда Шарқий Оврупада ўз таъсирини кўрсатди. Шарқий Оврупада дастлабки манзилгоҳлар неолит ва энеолит (м.а. IV — III минг йилликлар) даврларида пайдо бўлди. Карпат тоғлари билан Днепр оралиқларида қарор топган Триполи маданиятига оид

манзилгохлар доира шакллари булган. Яримертўла шаклидаги турар



уйлар доира четларида жойлашган, ўртадаги бўш жой эса йиғинлар, гарамхона ва қўтон вазифаларини бажарган. Мил.ав. II минг йилликдаги биринж (бронза) даврининг ривож топган палласи бўлиб, у замонларда сахалиб (славян)ларининг аجدодлари- праславянлар

қишлоқсимон, девор билан ўралмаган манзилгоҳларда истиқомат этишган.

Днепрдаги Пустинка селоси олдида вужудга келган манзилгоҳ бетартиб жойлашган яримертўла турар уйлاردан иборат. Уларнинг оралигида муқаддас жойлар — чайла шаклидаги ибодатхоналар бўлган, деб тахмин қилинади. Тахминан мил.ав. I минг йилликнинг биринчи ярмидан (мил.ав. VII асрдан) темир даври қарор топади. Айнан шу даврда Оврупода иқлим ўзгариши натижасида хаво намланади ва совуқлашади. Бунинг натижасида қитъанинг шимолдаги чўллари ўрнида ўрмонлар пайдо бўлади. Мил.ав. IX — VIII асрларда манзилгоҳлар муҳофазали қилиб қурила бошланади. Тахминан бу 110 замонларда сахалиб аجدодлари ерларининг жанубий чегараларида бир қанча километрларга чўзилган «Илон изи тўсиқлар» («Змиевы валы») барпо этилди. Мил.ав. I минг йиллик ўрталарида кўплаб муҳофазаланган қабила — уруғ манзилгоҳлари пайдо бўлган. Смоленск яқинидаги Тушемля номли бундай манзилгоҳ тепаликда жойлашган бўлиб бир томонида беш қатор девор мавжуд бўлган. Мил.ав. I — V асрларда илк сахалибларнинг манзилгоҳлари аксари дарё бир — бир ярим км га чўзилган очиқ қишлоқлардан иборат бўлган.

Диний

маркази ва мозори уларга яқин жойларда вужудга келган. Мил. I минг йилликнинг 2 — ярмида ғарбий ва шарқий сахалиблар ўзаро фарқлана борди, кўплаб ўз етакчиларига, князларига эга бўлдилар, алоҳида мустақил қабилалар иттифоқлари пайдо булди. Бундай иттифоқлар эни 40 — 60 км га чўзилган ҳудудни эгаллаган. Ҳудуднинг бош манзилгоҳи — «град»да мажлис (вече), ибодат, савдо — сотиқ қилинган, суд ўтказилган. Марказий манзилгоҳлар билан бир қаторда муҳофазаланган уруғ манзилгоҳлар ҳам бўлган. Булардан ташқари

тепаликлардаги санамлар ўрнатилиб атрофи девор билан ўралган диний манзилгоҳлар барпо этилган. Уларда қурбонликлар келтирилишган, маросимлар ўтказилишган. Давлатчилик шаклланимасдан весита олдинги давр характерли манзилгоҳлардан Екимовицк, Раиковец ва бошиқаларни келтирилиш жойиз.

Екимовицк Днестрда IX — XI асрларга оид шаҳарча бўлиб, атрофи нафақат ёғоч ва тупроқли девор билан, балки хандақ билан ҳам ўралган эди. Шаҳарча ўртасида ҳовуз бўлган.

Сахалибларнинг ибтидоий шаҳарчалари аксари икки дарёнинг қушилиш жойида, ярим оролда, оролда ва хатто ботқоқлик ертула, айрим холларда ярустки қурилма тариқасида бўлган. Улар уруғ учун мўлжалланган компакт уйлар гуруҳи ёки яхлит том остидаги кетма — кет блокланган уйлардан ташкил

топган. Бундай шаҳарчалар аксари атиги бир дарвозали бўлган, уларда меъморий жиҳатдан яққол кўзга ташланадиган марказ йўқ эди. Қадимги сахалибларнинг манзилгоҳлар қурилиш анъаналари кейинги Киев давлати шаҳарсозлигини бошлаб берди.

Шарқий Оврупода VIII-IX асрда Византия орқали насорий (христиан) дини кенг тарқала бошланди. Дарё бўйларида Киев, Чернигов, Полоцк, Новгород каби шаҳарлар вужудга келди. Аксари шаҳарлар детинец (қалъа) ва посад (шаҳарнинг асосий қисми)дан иборат бўлган. савдо-сотиқ маркази “торг” деб аталган. Киев шаҳари Қора денгизни Болтиқ денгизи билан бирлаштирувчи “варяглардан грекларгача” бўлган сув йўлида, Днепр қирғоғида вужудга келди. Дастлаб милодий 1-минг йилликнинг ўрталаридаёқ бу ерда бир неча сахалиб қароргоҳлари мавжуд бўлган. Улар археологик қолдиқларга: III-IV асрларда зарб этилган Рим тангалари, VI-VIII асрларга оид Турон ва Эронда ясалган турли буюмларга кўра халқаро савдо-сотиққа

жалб этилган эди. Афсоналарга кўра Кий, Щек ва Хорив исмли ака-укалар бу жойларда уч шаҳарча қуришган. Катта аканинг шаҳарчаси - Киев бўлиб, у тахминларга кўра V аср охирида барпо этилган ва кейинчалик- IX асрдан пойтахт шаҳарга айланди. Шаҳар полян қабиласи ерларида вужудга келган. У бошқа - северян, древлян каби қабилалар билан иттифоқ тузган. Иттифоқда рос қабиласи ҳам кирган. Рос 111 қабиласи шу номдаги чўл чегарасида оқиб ўтадиган дарё воҳасида истиқомат қилишган эди. Тахминларга кўра қабила номи “Рус ерлари” иборасига сабабчи бўлган. Қадимги Киевнинг ривожланишида асосан уч даврдаги шаҳарларни ажратиш мумкин: энг қадимги шаҳар (IX-X а.), Владимир шаҳари (X аср охири- XI аср боши), Ярослав шаҳари (XI-XII а.). Энг қадимги шаҳар Кўҳна Киев тоғида, Днепрдан 113 м баландликда жойлашган эди. Майдони кичик - 0,7 га бўлган. Шаҳарни гарбдан афсонавий ога иниларнинг синглизси Либед номи билан аталган Днепр ирмоғи муҳофаза қилган. Шаҳарни чор томонида ўтилиши жуда қийин бўлган ўрмонлар ўсган. Град (шаҳар)нинг ўртасида санамлар ўрнатилган ибодатгоҳ ва княгиня (аёл княз) Олга тереми (сарой)и бўлган. Княз Владимир тахт эгаллагандан сўнг, ёғочдан маъбуд Перун ва бошқа маъбудлар ҳайкалларини ўрнатди. Кейин, насорий динини қабул қилгандан сўнг тошдан ишланган Десятинная черковини қурдирди. Унинг олдида шаҳарнинг бош майдони бўлган. Владимир шаҳрининг майдони 10 гектар жойни эгаллаган эди.

Ярослав шаҳри Владимир шаҳрининг жанубида жойлашган бўлиб, 70 гектар ерда жойлашган эди. 1037 йилда янги шаҳар ўртасида 13 гумбазлик София собори қурилди. Бош - Олтин дарвозадан шаҳарнинг асосий кўчаси София соборига ва ундан кейин Детинец (қалъа)га олиб борган. Шаҳарнинг пастки қисми - Подолда ҳам оддий


фуқаролар ҳунарманд ва савдогорлар яшаишган. Кейинчалик подволда кўплаб диний мажмуалар вужудга келди. Қадимги Новгород шаҳари Волхов дарёси бўйида қурилди. Новгород шаҳри аҳолиси турли элатлардан ташкил топган шаҳар сифатида вужудга келди. Волховнинг бевосита дарёси бўйида Детинец жойлашган эди. Унинг ичида София собори қурилди. Волховнинг томонлари – “сторона” деб аталган. Детинец жойлашган дарёнинг чап қирғоғи Софийская сторона деб номланган. Савдо маркази - Торг жойлашган Волховнинг ўнг томони – “Торговая сторона” деб номланган. Шаҳар аҳолиси истиқомат қилган жойлар ўзига хос қисмлар (конец)ларга ажралган, масалан, Горчарний конец, Плотницкий конец ва бошқалар. Шаҳар тарҳида кўчалар асосан дарёга перпендикуляр эканлиги кўзга ташланади. Бу ҳол Волховнинг Новгород учун қандай катта аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатади.

Псков шаҳри Великая дарёсига унинг ирмоғи Пскова қўшилаётган оралик жойда, асосан XII асрда вужудга келди. Шу тариқа шаҳар детиница – Кром сув билан икки томондан муҳофазаси билан таъминланди. Кромга дастлаб – XIII асрда жанубдан Довмонт шаҳари бириктирилди. Кейинги, XIV – XV асрларда ҳам жануби – шарқ томондан кенгайиш давом этди. Торг майдони барпо бўлди. Шаҳар аҳолиси истиқомат қиладиган қисми – посад Кўҳна деворорти, Янги деворорти, Теварак шаҳар (Околний город) ҳисобига ўсди. Теварак шаҳарнинг кўрган девори Псковаортини ҳам қамраб олган эди. Новгород каби Псков шаҳри ҳам қончиларга бўлинган эди. Псковда олти конец бўлиб, ҳар бири ўзининг бош ибодатхонаси ва маъмурияти (вече)га эга бўлган.





Москва шаҳри солномада қалъа сифатида биринчи бор 1147-йилда зикр

этилган. Владимир князлигининг чеккаси ҳисобланган. Москва дарёсига унинг ирмоғи Неглинная қуйиладиган жойда Бор (Боровицское) тепалигида пайдо бўлди. Черкови ёғочдан эди. Майдони (посадсиз) 1 га атрофида бўлган. 1156- 112 йилда Юрий Долгорукий фармониға кўра шаҳар кенгайтирилди. Майдони 10 га бўлди. Москванинг бундай икки қисмилилиги Киевдаги Владимир ва Ярослав шаҳарларидан ташкил топганлигини эслатади. XIV асрдаги ёнгиндан кейин ёғоч кўргон деворлари ўрниға оқ тошдан янги чидамли девор қурилди. XV асрга келиб радиал кўчалар тизими асосан шаклланиб бўлди. Шаҳар теваарагида ўндан ортиқ қўриқчилар вазифасини ўтаган роҳибгоҳ (монастир)лар халқаси вужудға келди. Шаҳарнинг тез ривожланиб кетишиға Москва князларининг кучайиши сабабчи бўлган эди.

615-08, 215



Тычана селеніе огузів
на вулиці М.Г. XV-XII в.



238/239/240

615-08, 312.5



236. Бискупинское городище. Ворота и фрагмент стен. Реконструкция



237. Городище Тушемля, середины I тысячелетия до н.э. Общий вид.

Реконструкция. Городище располагалось в Смоленщине, на берегу реки Тушемля, левого притока Сожи. Длина овальной площадки городища составляла 35 м, ширина 32 м

615-аг, 216-б



Киев ш. X-XI в. 615-аг, 223-б




245. Иерархия древнерусских городов. В общем масштабе сопоставлены планы

1 - Киев; 2 - Переяславля; 3 - Овруч; 4 - Чернигов; 5 - Лукомля; 6 - Вишжа

246. Киев. План нагорной части (X-XI вв.)

Город Владимира:

1-3 - дворцовые корпуса; 4 - Десятинная церковь; 5 - церковь Василия; 6 - церковь Федоровского монастыря; 7 - церковь Андреевского монастыря; 8 - церковь Крестовоздвиженского монастыря; 9 - Батыевы ворота; 10 - Подольские ворота; 11 - ворота к Боричеву взвозу. Город Ярослава: 12 - Софийский собор; 13 - церковь Ирмы; 14 - церковь Георгия; 15 - безымянная церковь; 16 - дворец; 17 - Золотые ворота; 18 - Львовские ворота; 19 - Лядские ворота; 20 - собор Михайловского Златоверхого монастыря; 21 - церковь Дмитриевского монастыря



Новгород 15 в. 613-05, 232-8.

